

Дарё қор ва музлик сувларидан тўйинади. Йиллик оқимининг 55 % март - июль ойларига тўғри келади. Максимал сув сарфи май ойида 1110,0 м<sup>3</sup>/с, минимал сув сарфи январ ойида 25,0 м<sup>3</sup>/с ни ташкил этади. Ўртача кўп йиллик оқим миқдори 3783,22 млн.м<sup>3</sup> ни ташкил этади.

**Сув сарфини ҳисобий таъминланганлиги:**

- 0,01 % таъминланганлик - 2194,0 м<sup>3</sup>/с;
- 0,1 % таъминланганлик - 1664,0 м<sup>3</sup>/с;
- 1 % таъминланганлик - 1307,0 м<sup>3</sup>/с.

Дарё сувининг лойқаланиши асосан ёзмавсумида кузатилади. Дарё сувининг ўртача лойқалиги 1,98 кг/м<sup>3</sup> га тенг бўлса, май – июнь ойларида 7,85 кг/м<sup>3</sup> гача етади.

Қорадарё дарёсининг энг кўп сув бўлган йили 1987 йил бўлиб, ушбу йилда дарёда жами 6630,3 млн.м<sup>3</sup> миқдоридаги сув оқими кузатилган ва шу сабабдан 1987 йилдаги оқимни энг кўп сувлилик йил деб танланди.

Дарёда энг кам сув бўлган йил деб 2008 йил таънлаб олинди ва шу йили дарёда 2443,0 млн.м<sup>3</sup> миқдорида оқим кузатилган.

**Қорадарё дарёсининг сув кўп бўлган ва кам бўлган йиллардаги гидрографи**

